



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 10 январь, № 6 (8629)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



САВДО ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ, МАДАНИЯТ СОҲАЛАРИДАГИ ЛОЙИҲАЛАР ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев
9 январь кунини савдо ва
хизматларни ривожлантириш, туризм
ва маданият масканларини барпо
этишга оид тақдимот билан танишди.**

Бу ҳақда ўтган йили 18 декабрда бўлган видеоселектор йиғилишида топириқлар берилган эди. Хусусан, мамлакатимизда туризм салоҳияти катта экани, уни самарали ишга солиб, туризм масканлари ва меҳмон ўринларини кўпайтириш лозимлиги таъкидланганди.

Тақдимотда шунга мувофиқ тайёрланган лойиҳалар кўриб чиқилди.

Қашқадарё вилоятининг Шахрисабз, Тошкент вилоятининг Паркент тумани тоғлари жуда хушманзара. Айниқса, баҳор-ёз мавсумида сайёҳлар билан гавжум. Бу борадаги шароитларни кенгайтириш мақсадида Шахрисабздаги Мираки, Паркентнинг Нуробод ва Кумушкон ҳудудларида замонавий дам олиш масканларини барпо этиш кўзда тутилган.

Шунингдек, Қашқадарёдаги Майданак тоғ масканида енгил конструкцияли хостеллар қуриш, мавжуд биноларни савдо ва хизматларга қайта ихтисослаштириш, ҳудудни ободонлаштириш мўлжалланган.

Туристлар борадиган жойлардан бири бу — бозор. Лекин бугунги кунда айрим бозорларимизда туристлар учун жозибадор эмас, уларда миллий колорит етишмайди.

Шу боис давлатимиз раҳбари миллий маданиятимизни акс эттирган бозор мажмуалари лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифасини қўйган эди. Тақдимотда тарихий шаҳарларимиздаги бозорларни туристлар учун жозибадор масканларга айлантириш

бўйича дастлабки лойиҳалар намойиш қилинди.

— Бозорларимизнинг ўзига хос жиҳатларини сақлаб қолган ҳолда уларни юртимизнинг “ташриф қоғози”га айлантириш керак. Озиқ-овқат, кийим-кечак, заргарлик дўконлари, ошхоналар, кўнгилчор масканлар ҳамоҳанг бўлиши, харидорлар ва туристларни ўзига жалб қилиши зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бу борада Туркия ва араб мамлакатлари тажрибасини ўрганиш, лойиҳалаштиришга хорижий мутахассисларни тақлиф этиш муҳимлиги айтиб ўтилди.

Тақдимотда Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива каби туризм марказларида қурилиш режалаштирилган бозорлар ҳақида ҳам ахборот берилди. Давлатимиз раҳбари уларда ҳам ҳудудий колоритни акс эттириш, туристлар учун кенгроқ шароит яратиш бўйича кўрсатмалар берди.

Президентимиз Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг мажлисида Тошкент давлат цирки фаолиятини яхшилаш масаласига тўхталиб ўтган эди. Бугунги тақдимотда ушбу маданият даргоҳини таъмирлаш, соҳа учун кадрлар тайёрлашда таълим ва амалиётни уйғунлаштириш мақсадида 300 ўринли ўқув биносини барпо этиш режалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни такомиллаштириш ва сифатли куриш юзасидан қўшимча кўрсатмалар берди.

Ў.А.

Халқ ва армия — бир тану бир жон!

ЮКСАК ЖАНГОВАР РУҲ — АСКАРНИНГ ЕНГИЛМАС КУЧИ, АРМИЯНИНГ ҚУДРАТИДИР

Аҳамият берилса, дунё сон-саноксиз ғоя ва мафкуралар билан тўйиб-тошса-да, уларнинг ҳеч бири инсониятни Ватанга бўлган муҳаббат ва садоқатчилик ҳаққоний ва шарафли руҳда бирлаштира олмаслигини кўрсатади. Бу туйғу қон билан кириб жон билан чиқар даражада қадим ҳақда муқаддас бўлиб, халқнинг бой қадриятлари, маънавий мероси, ўзлиги ва тарихини ўзида мужассам этади. Маънавий бойлиқдан узилган ҳар қандай соҳанинг муқаррар таназулини ён-атрофимизда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий воқеалар мисолида кўриб, билиб турибмиз.

Бу ўринда бежиз маънавий емирилиш ҳақида сўз очилмади. Чунки жажонда юз бераётган қуроли тўқнашувлар таҳлили кучли ирода ва садоқат, мустақам ватанпарварлик туйғуси ҳал қилувчи омиллардан бири эканини кўрсатмоқда. Шахсий қузатув ва хулосаларимиз асосида Қуролли Кучларимиз, хусусан, миллий армиямиз салоҳиятининг тубдан ўсиши, дунёга юз тугишида маънавий омилларнинг ўрни ва таъсири қанчалик муҳим эканини ҳис этмоқдамиз. Бунда Мудофаа вазирлиги қўшинларида тарбиявий ва мафкуравий ишлар органлари томонидан амалга оширилган кенг қамровли саъй-ҳаракатларнинг ўрни бениҳоя катта.



**«Ватан — муқаддас,
уни ҳимоя қилиш
шарафли бурчдир!»**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси ва Мудофаа вазирлиги томонидан

белгиланган топириқлар, шунингдек, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда Мудофаа вазирлиги қўшинларида маънавий-маърифий ва маданий ишларни ривожлантириш бўйича 2023 йилга мўлжалланган “Йўл ха-

рита”сининг фаол ижроси юқорида келтирилган тадбирларнинг асоси бўлиб хизмат қилди.

«Ватан — муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!» концептуал ғояси асосида олиб борилган амалий ишлар юртимизнинг энг чеҳра ҳудудларига акс садо берди.



САМАРҚАНД — ЖАҲОН МАДАНИЙ ТУРИЗМ ПОЙТАХТИ



Ҳиндистоннинг “Business of Travel Trade — BOTT” ихтисослаштирилган сайёҳлик журналида қадимий Самарқанд шаҳри ва туризм соҳасидаги Ўзбекистон — Ҳиндистон ҳамкорлиги ҳақида мақолалар чоп этилди.

Эътироф

“Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик чуқур тарихга эга. Икки давлат турли йўналишларда, жумладан, сиёсат, иқтисодиёт, таълим, спорт, маданият ва гуманитар соҳаларда узоқ йиллик ҳамда вақт синовидан ўтган шериклик муносабатларини ривожлантириб келмоқда, — деб қайд этилган нашрда. — Шу маънода, туризм сектори ўзаро алоқаларнинг му-

ҳим жабҳаларидан бири сифатида ажралиб туради”.

Материал муаллифи Ўзбекистон Ҳиндистонда ўзининг салмоқли сайёҳлик салоҳиятини тарғиб қилишдан манфаатдор экани, Ҳиндистонлик саёҳатчиларга мамлакатнинг бой маданияти ва аъёнлари, албатта, ташриф буюрилиши керак бўлган масканлари, шунингдек, замонавий таълим олиш учун қўлай шароитлар яратилган Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Андижон, Фарғона, Наманган ва

бошқа қадимий ҳамда ҳамisha навқирон шаҳарлари ҳақида ранг-баранг маълумотларни тақдим этаётгани тўғрисида сўз юритган.

“Бу саъй-ҳаракатларда Ўзбекистоннинг Деҳлидаги элчихонаси икки мамлакат ўртасидаги боғловчи кўприк вазифасини ўтамоқда, турли маркетинг кампанияларида иштирок этиш, янги саёҳат пакетларини тақдим қилиш ва Ҳиндистон бўйлаб истеъмолчилар учун тарғибот тадбирларини ўтказиш орқали юксак режаларни амалиётга татбиқ этмоқда”, деб таъкидлаган “Business of Travel Trade — BOTT” мухбири.



Нуктаи назар

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ — ТАРАҚҚИЁТ ДРАЙВЕРИ

Ҳар бир даврнинг ўз долзарб вазифалари ва муаммолари бўлади. Бугунги кунимизнинг энг муҳим талабларидан бири рақамли иқтисодиётни жорий этишдир.

2020 йил мамлакатимизда “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилиниб, ушандан бери бу борада салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2020 йил 28 апрелда давлатимиз раҳбарининг “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Айни кунларда кўплаб тараққий этган мамлакатларда рақамли технологиялар иқтисодиёт ривожини тезлаштиришда ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишда. Масалан, рақамли иқтисодиёт рақамли давлат томонидан тартибга солиш бўйича АҚШ, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Россия, Европа Иттифоқи давлатлари тажрибаси бу бо-

рада, асосан, иккита — бозор ва маъмурий бошқарув ёндашувлари мавжудлигидан далолат бермоқда. Жумладан, АҚШда “Кун тартибидан — рақамли иқтисодиёт” деб номланган биринчи ҳукумат дастури 2015 йилда ишлаб чиқилган. У мамлакат учун асосий имкониятларни таъминлайдиган тўртта блокни ўз ичига олади. Булар — эркин ва ош-

кора интернетни жадаллаштириш, ишонч ва хавфсизликни барқарорлаштириш, тармоққа эркин кириш ва барча хоҳловчи учун профессионал кўникмаларни эгаллаш имконияти, инновациялар ҳамда таъсирчан самаралар берувчи ва ёрқин янги авлод технологияларини жорий этиш. Шундай қилиб АҚШ сиёсати рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга,



бу жараёнда қатнашадиган тармоқлар ва соҳалар улушини кўпайтиришга, IT соҳа билан шугулланадиган тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган.

АҚШдан фарқли ўлароқ, Европа Иттифоқида унга аъзо мамлакатлар иқтисодиёти ва саноат тармоқларининг рақамли ўзгаришини жадаллаштиришга қаратилган 30 дан ортиқ давлатлар миллий ва минтақавий дастурлари ҳамда стратегиялари мавжуд. Европада рақамлаштиришга йўналтирилган ягона йўналишни шакл-

лантириш хусусий бизнесни мазкур лойиҳаларга жалб қилиш билан техника ва бозор инновацияларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўсинида амалга оширилмоқда. Қўтга давлатларининг рақамлаштириш соҳасидаги сиёсатининг асосий тамойиллари ахборот-коммуникация технологиялари учун ягона Европа қоидалари ва стандартларини ишлаб чиқиш, истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда тадқиқот ва инновацияларни қўллаб-қувватлашдан иборат.



Сарҳисоб

АҲОЛИ БИЛАН ИШЛАШ ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Кеча Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси томонидан 2023 йилдаги фаолият сарҳисобига бағишланган йиғилиш ташкил этилди.

Таъкидланганидек, ўтган йили мамлакатимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга қатор муҳим воқеалар — янги таҳрирдаги Конституция бўйича референдум ва Президент сайлови ҳамда бир нечта халқаро форумларга гўёх бўлди. Бу жараёнларнинг барчасида сенаторлар, шу жумладан, қўмита аъзолари ҳам фаол иштирок этди.

Шуларга мос равишда қўмита томонидан ўтган йилда асосий эътибор қонунчиликни такомиллаштириш бораберида жойларда аҳолини қийнаб келаятган масалаларни ижобий ҳал қилиш ва уларга амалий кўмак бериш, муносабатларни вақтида кўриб чиқиш, қолаверса, ҳудудларда сайёр қабуллар ўтказишга қаратилди.

Жумладан, ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама-ларга сабаб бўлган хотин-қизлар ва болаларга нисбатан таъйиқ ва зўравонлик масаласи юзасидан амалдаги қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарлик масаласи тегишли вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижкорат ташкилотлари вакиллари ва ҳуқуқшунослардан таркиб топган ишчи гуруҳ билан ҳамкорликда салкам бир йил давомида ўрганиб чиқилди. Муҳокамалар жараёнида қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва парламент палаталари томонидан қабул қилинди. Жорий йилда ҳам ушбу саъй-ҳаракатлар давом эттириляётир, яъни қўмита масъуллигида 2 та долзарб масала ўрганилмоқда.



ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА УСТУВОР АҲАМИЯТ ҚАРАТИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси ўтган йилдаги фаолиятида асосий эътиборни қўшни мамлакатлар билан ўзаро муносабатларни мустақамлаш ҳамда очик, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи ҳамкорликка қаратилган сиёсат олиб боришда парламентнинг ролини ошириш бораберида хорижий мамлакатларнинг парламентлари билан ўзаро алоқаларини янада жадаллаштириш каби муҳим йўналишларнинг ҳуқуқий пойдеворини яхшилашга қаратди.

Бу ҳақда қўмитанинг 2023 йилдаги фаолияти юзасидан ташкил этилган брифингда маълум қилинди. Таъкидлаб ўтилганидек, ўтган вақт давомида қўмита қонун ижодкорлиги фаолияти йўналишида 10 та қонун лойиҳасига масъул бўлган. Қонун лойиҳаларини тако-

миллаштириш ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганишда халқаро ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва халқаро ҳуқуқ мезонлари фўқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакилларидан иборат эксперт гуруҳи имкониятларидан самарали фойдаланилди.



АҲОЛИ БИЛАН ИШЛАШ ДОЛЗАРБ МАСАЛА



Кўмитанинг назорат-таҳлил фаолияти ва парламент назорати доирасида коррупцияга қарши курашиш ҳолати ҳамда қонунлар ва давлат дастурлари ижроси ўрганилди. Масалан, Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг суд ҳужжатлари ижроси борасида аниқланган камчиликлари тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари иштирокида кўриб чиқилди. Яқунда бу камчиликларни бартараф қилишга йўналтирилган тавсия ва тақлифлар акс этган кўмита қарори қабул қилинди.

Шунингдек, бевосита кўмита назоратида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 122, Миллий гвардия — 18, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги — 17, Солиқ қўмитаси — 15, Соғлиқни сақлаш вазирлиги 4 нафар ходимининг суд қарорига мувофиқ ишга тикланишига эришилди.

Кўмита ва халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши ҳамкорлигида вилоятдаги ҳудудий давлат органлари раҳбарларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолияти юзасидан ахборотлари эшитилди ҳамда бу борадаги камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилди.

Қолаверса, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан ҳамкорликда Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашларининг 2022 йилдаги фаолияти ўрганилиб, рейтинг баҳолаш ўтказилди ва натижалари ОАВда кенг ёритилди.

Бундан ташқари, Сенатнинг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссияси билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январдаги “2022 — 2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси устидан прокурор назорати ҳолати Тошкент вилояти мисолида ўрганилди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан “Йўл харитаси” қабул қилинди ва парламент назоратида олинди.

Хисобот даврида кўмита томонидан қарийб 65 та давлат органи ва ташкилотининг аҳоли муурожаатлари билан ишлаш ҳолати ўрганилиб, улар йўл қўйган хатоликларга барҳам бериш бўйича тегишли кўрсатма ва тавсияларни назарда тутувчи кўмита қарори қабул қилинди.

Ўтган йилда кўмита ва унинг экспертлар гуруҳи, давлат ҳокимияти ва бошқарув, ҳўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилот ва муассасалар, ННТ билан ҳамкорликда долзарб масалалар ечимига қаратилган тадбирлар ўтказилди.

Ўз навбатида, кўмита томонидан аҳоли муурожаатлари, ҳудудларда фуқаролар манфаатлари билан боғлиқ масалалар ва ижтимоий соҳадаги муаммоларга алоҳида эътибор қаратилди. Натижа эса шунга яраша бўлди. Бир мисол: кўмита ва Мажбурий ижро бюроси орқали 100 дан ортиқ муурожаатлар бўйича алимент пулларини ундириб беришга эришилди.

Кўмита мажлисида сенатор ва экспертлар, вазирлик ва идоралар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилларининг кўрилган масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалари эшитилди.

Мажлисида кўмитанинг жорий йилдаги устувор вазифалари ҳам белгиланди.

«Халқ сўзи».

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА УСТУВОР АҲАМИЯТ ҚАРАТИЛДИ

2023 йилда кўмита томонидан қонунлар ва қонуности ҳўжатлари ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларни назорат-таҳлил тартибида ўрганиш ҳамда унинг яқунлари бўйича давлат ва бошқарув органлари мансабдор шахсларининг ахборотини эшитишга катта аҳамият берилди.

Шу билан бирга, сайловчилар томонидан кўтарилаётган масалалар ва жойларда олиб борилаётган ўрганишлар давомида аниқланган камчилик ҳамда муаммоларга мутасаддилар эътиборини қаратган ҳолда уларни ҳал этишга жиддий ёндашилди. Ўтган даврда кўмита аъзолари томонидан мансабдор шахсларга сайловчиларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан жами 13 та депутат сўрови юборилган.

Хисобот даврида кўмитанинг мувофиқлаштируви остида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида хорижий мамлакатлар парламентлари, парламентларо ҳамкорлик гуруҳлари, халқро ташкилотлар ҳамда мамлакатимизда акредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари

дан иборат 65 та чет эл делегацияси қабул қилинган.

Парламентларо ҳамкорлик гуруҳлари хорижий давлатларнинг қонун чиқарувчи органлари билан алоқаларни янада ривожлантириш мақсадида Олий Мажлисининг Сингапур Республикаси парламенти билан ҳамкорлик бўйича парламентларо гуруҳи ҳамда Вьетнам Социалистик Республикаси Миллий мажлиси билан ҳамкорлик бўйича парламентларо гуруҳи тuzилган.

Ҳозирги вақтда Олий Мажлисида жами 57 та хорижий давлат парламентлари ҳамда Европа Иттифоқи парламенти билан парламентларо гуруҳлар фаолият юритмоқда.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини ўз вақтида ўрганиш ҳамда уларни ҳал этиш ҳам кўмитанинг эътибор марказида бўлди. 300 та муурожаат белгиланган тартибда кўриб чиқилди ва уларнинг ақсарияти ижобий ечим топган. Қолган муурожаатлар тегишлилигига кўра, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларига юборилди.

Кўмита томонидан аҳоли билан яқиндан мулоқот қилиш, сайловчилар билан тизимли иш олиб бориш,



уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида жисмоний ва юридик шахслар вакилларининг қабуллари ўтказилди. Уларда фуқаролар кўтарган масалалар депутатлар савий-ҳаракатлари билан ечим топди.

Брифингда кўмита фаолияти ҳақида кенг жамоатчиликни ўз вақтида хабардор қилиш, назорат-таҳлил тадбирлари яқунлари ва кўмита масъулигида кўриб чиқилаётган қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳиятини аҳолига мунтазам равишда тушунтириб бориш бўйича муайян ишлар амалга оширилгани қайд этилди.

Брифингда кўмитанинг келгусидаги режалари ҳақида ҳам ахборот берилди.

МУРОЖААТЛАР ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

2023 йил мамлакатимизда барча жабҳада бўлгани каби савдо-саноат, транспорт, энергетика, қурилиш ва уй-жой коммунал соҳалари ҳам муҳим янгиликларга бой бўлди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитаси ўтказган брифингда маълум қилинганидек, кўмита ўтган даврда ушбу соҳаларни либераллаштириш, уларнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлаш ҳамда давлат дастурларида белгиланган вазифалар ижроси устидан таъсирчан назорат ўрнатишга алоҳида эътибор қаратди.

Хисобот даврида кўмита 1 та кодекс ва 12 та қонун лойиҳасига масъул бўлди.

Шу билан бирга, кўмита томонидан 15 та назорат-таҳлил тадбири ўтказилган бўлиб, шундан 10 таси давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш, 4 таси қонун ҳўжатларининг ижро этилиш ҳолатини ўрганиш, биттаси эса кўмита қарори ижросини мониторинг қилишга тааллуқлидир.

Хусусан, “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги Қонуннинг ижро этилиш ҳолати Тошкент шаҳри ва Жиззах вилоятида, “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуннинг бажарилиши эса Қашқадарё вилояти мисолида на

зорат-таҳлил тартибида ўрганилди.

Орта қолган йилда кўмита томонидан давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига тегишли соҳага доир муҳим масалалар юзасидан парламент сўрови юбориш институтидан унумли фойдаланилиб, жами 3 та парламент сўрови, мансабдор шахсларга сайловчиларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар бўйича 14 та депутат сўрови юборилган.

Кўмита фаолиятида фуқаролар муурожаатларини ўз вақтида ва тўлиқ ўрганиш ҳамда улар юзасидан қонуний чораларни қўришга устувор вазифа сифатида қаралди. 619 та муурожаат қонунларда белгилан

ган тартибда кўриб чиқилди ва улардан 500 га яқини ижобий ечим топди.

Брифингда кўмитага келиб тушган муурожаатлар орқали фуқаролардан 25 та норматив-ҳуқуқий ҳўжатга тегишли ўзгартiriш ва қўшимчалар киритиш юзасидан тақлифлар билдирилгани қайд этилди. Тақлифлари асосли, деб топилган 22 нафар фуқарога кўмита томонидан миннатдорлик хатлари юборилди.

Ўтган даврда аҳоли билан яқиндан мулоқот, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида жисмоний ҳамда юридик шахслар вакилларининг қабуллари ҳам доимий ўтказиб берилган. Уларда фуқаролар томонидан кўтарилган масалалар депутатлар савий-ҳаракатлари билан ҳал этилди.

Кўмита фаолияти ҳақида кенг жамоатчиликни ўз вақтида хабардор қилиш, назорат-таҳлил тадбирлари яқунлари ва кўмита масъулигида кўриб чиқилаётган қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳиятини аҳолига мунтазам равишда тушунтириб бориш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Брифингда кўмитанинг келгусидаги режалари ҳақида ҳам ахборот берилди.

«Халқ сўзи».

ТАДБИРКОРЛАРГА СОЛИҚ ТўЛАШДА ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛАДИ

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, бандлигини таъминлаш бугун ҳар қачонгидан долзарб бўлиб, бу бўйича мамлакатимизда сўнгги йилларда салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Айни савий-ҳаракатлар натижасида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар кўллаб-қувватланиб, камбағаллик даражаси сезиларли қамайишига эришилди. Президентимизнинг “Камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ушбу йўналишдаги ислохотларни тизимли давом эттиришда муҳим асос бўлмоқда.

Янги қонун

Ўтган йилнинг сўнгги ҳафтасида Қонунчилик палатаси мажлисида қабул қилиниб, Сенатга юборилган “Камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун ушбу Фармонга мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, унда бир қатор афзаликлар кўзда тутилгани билан аҳамиятлидир.

Бинобарин, Солиқ кодексига “20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис” дастурига қиритилган тадбиркорлик субъектларига, улар яратган янги иш ўринларига қараб тегишли солиқ имтиёзлари ва преференциялар тақдим этишни назарда тутувчи қўшимчалар киритилди. Хусусан, ушбу кодексда кўзда тутилган қўшилган қиймат, фойда солиғи ҳамда жисмоний шахслардан олинандиган даромад солиғидан ташқари барча солиқларни улар яратган янги иш ўринлари сонига қараб бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилмоқда. Жумладан:

- 51 тадан 100 гача янги иш ўрин яратилганда — уч ойгача;
 - 101 тадан 200 гача бўлса — олти ойгача;
 - 200 тадан ортиқ янги иш ўрни яратилганда ўн икки ойгача этиб ифодаланди.
- Бунда бўлиб-бўлиб тўлаш солиқ тўловчининг муурожаати асосида ҳамда белгиланган фоизлар ҳисобланмаган ҳолда, шунингдек, ушбу кодекс 101-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган ҳўжатларни тақдим қилмасдан ва молиявий ҳолати таҳлил этилмасдан берилади. Айтиш мумкинки, бу — катта энгиллик.
- Яна бир имконият, “20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис” дастури доирасида “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган фуқароларни ишга қабул қилган ва улар жами ишчилар сонининг қамиди 20 фоизини ташкил этган юридик шахсларга мол-мулк солиғи ва ер солиғидан имтиёз берилмоқда.
- Бунда солиқ имтиёзи тадбиркорлик субъектлари томонидан янги иш ўринлари сонидан келиб чиқиб қуйидаги миқдорларда белгиланади:
- 51 тадан 100 тагача янги иш ўрни

яратилганда — белгиланган солиқ ставкасининг 50 фоизи;

- 101 дан 200 тагача бўлганда — 75 фоизи;
- 200 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилганда ушбу солиқларни тўлашдан озод қилинади.

Шу ўринда яна бир муҳим жиҳатни қайд этиш жоиз: корхона ишга қабул қилинган “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган фуқароларга қамиди 1 йил давомида ҳар ой меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг бир баравари даражасидан кам бўлмаган иш ҳақини тўлаб, бандлигини таъминлаш лозим бўлади.

Албатта, қўшимча солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш, солиқларни бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини яратиш ҳамда пасайтирилган солиқ ставкаларини белгилаш тадбиркорлик субъектларини камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирларга фаол жалб қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Шу нуқта назардан айтганда, ушбу қонун кам таъминланган оилалардаги фуқароларни ишга қабул қилиш учун қўшимча қулайликлар ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартиришга асос яратади. Зеро, оилалар фаровонлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини кўллаб-қувватлаш, бандликнинг ўсишини қафоллатлаш, камбағалликни қисқартиришга эришиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг пировард мақсади саналади.

Жавлон ЭРГАШЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

Экспорт

МАЙИЗ Буюк Британия ва Канадада ҳам харидорғир

Саховатли заминимизда етиштирилган мева ва сабзавотлар хуштаъмлиги билан ажралиб туради. Куёшнинг заррин нурлари остида етилиб пишган бундай маҳсулотлар нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам харидорғир.

Фарғона вилоятида 8288 гектар узум боғлари бўлиб, ўтган йили 208 минг 400 тонна ҳосил етиштирилди. Эътиборлиси, унинг асосий қисми экспорт қилинмоқда. Қишлоқ ҳўжалигини замонавий мезонлар асосида ислох этиш жараёнида узуминг ташишга яроқли, узоқ вақт сифатини йўқотмайдиган, майизбоп навлари ҳам кўпайтириляпти. Шу тариқа экспорт улушида узумини харидорга қадокланган, тайёр майиз ҳолида етказиб бериш ҳам тобора ортиб бораётди.

Яқинда Риштон туманидаги “Laudan Harvest” хусусий корхонаси томонидан Буюк Британиянинг қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари улғуржи савдосига ихтисослаштирилган “Laudan Limited” компанияси билан тузилган экспорт шартномасига кўра Фарғона водийси ва Самарқанднинг қиймати 300 минг доллардан ортиқ бўлган қора майизи етказиб берилди.

Шу билан бирга, “HEB International” халқаро савдо ва



логистика компанияси билан тузилган экспорт шартномаси доирасида Канадада 300 тонна майиз экспорт қилинди.

— Бозор талаби ва эҳтиёжини ўрганиб, 2024 йилдан бу икки мамлакатта майиз экспортни ҳажмини янада ошириш ниятидамиз, — дейди корхона раҳбари Абдуманноб Донийёров. — Боиси юртимизда етиштирилган майиз кимёвий ишлов берилмаслиги ва табиий дармондориларга бойлиги тўғрйли харидорларга манзур бўлмоқда.

«Халқ сўзи».

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ — ТАРАҚҚИЁТ ДРАЙВЕРИ



Шарқда эса рақамли иқтисодиётнинг учта гиганти — Хитой, Жанубий Корея ва Япония бор. Бугун жаҳонда электрон транзакцияларнинг 40 фоиздан ортиқ улушига эга Хитой ПТнинг энг йирик бозори ҳисобланади. Унинг рақамли тараққиёти қудратли ички бозор, рақобатнинг юксак суръати ва тезлик билан ривож топаётган рақамли секторни давлат тарафидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш каби учта муҳим омили ҳисобига жаддалашмоқда. Хитой Ахборот ва коммуникация технологиялари академиясининг 2022 йилдаги ҳисоб-китобларига кўра рақамли иқтисодиётнинг ялғи ички маҳсулот ўсишига қўшган ҳиссаси базиси ривожланган давлатлар даражасидан ҳам ошиб кетиб, 70 фоизга эришди. 2014 йилдан 2022 йилгача рақамли иқтисодиёт ЯИМнинг йиллик ўсиш суръатларига нисбатан 50 фоиздан юқориқорали ташкил қилди. 2005 йилда рақамли иқтисодиёт ҳажми атиги 2,6 трлн. юань ёки ЯИМнинг 14 фоизига тенг бўлган, ҳоло. Демак, Хитойнинг рақамли иқтисодиёти ҳажми сўнгги йилларда 1300 фоизга ошган, шу билан бирга, иккинчи ва учинчи даражали саноат шу даврда мос равишда 340 ва 590 фоиз ўсди.

Жанубий Корея, ўз навбатида, 2018 йилдан 2022 йилгача мамлакатни ривожлантириш стратегиясида платформа асосидаги иқтисодиёт тараққиётига суянишни маълум қилди ва бунга эришди ҳам. Бу рақамли технологиялар ва глобал рақамли платформаларга асосланган иқтисодиётнинг янги туридир.

Японияда мамлакат тараққиётининг узоқ муддатли мақсад ва вазифаларини белгиллаб берадиган асосий ҳўжат 2016 йилда Япония ҳўкумати томонидан йирик бизнес федерацияси — “Кэйданрэн” кўмағидан қабул қилинган “Society 5.0” стратегиясидир. У фуқаролар фаровонлиги даражасининг ўсишини таъминлаш учун илм-фан ва технологияларни ривожлантириш мақсадида илгор рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда вужудга келган ижтимоий-иқтисодий ва маданий тизимнинг ўзига хос туридир. Ушбу стратегия машҳур “Industry 4.0” концепциясига асосланган бўлиб, у нафақат ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал этади, балки унинг мақсади жисмоний ва кибермакон интеграцияси орқали ижтимоий фаровонликни таъминлашга ҳам қаратилган.

Ҳўш, Ўзбекистонда бу борадаги аҳвол қандай?

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ўтган йилнинг 20 декабри қуни тармок ва ҳудудларда ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда давлат бошқарувини рақамлаштириш бўйича устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилишида бу борадаги вазият чуқур таҳлил этилди.

Замон талабидан келиб чиқиб мамлакатимизда телекоммуникация инфратузилмасини яхшилаш, соҳа ва тармоқларни

рақамлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ўтган йилнинг ўзида таълим, банк, молия, божхона, қишлоқ ҳўжалиги, геология, кадастр каби соҳаларни рақамли трансформация қилиш доирасида 100 та дастурий лойиҳа ишлаб чиқилган. 500 дан зиёд янги IT-компаниялар ташкил этилиб, соҳага 475 млн. доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция кириб келган.

2023 йил якуни билан тармокда хизматлар ҳажми 10 трлн. сўмга етди, экспорти эса 300 млн. доллардан ошди. Бу кўрсаткич Тошкент, Самарқанд, Андижон вилоятларида юқори суръатларда ўсди. Сурхондарё ҳам илк бор IT хизматлар экспорти йўлга қўйилиб, 1 млн. доллардан ошди. Ҳудудларда 20 мингдан ортиқ ёшлар мустақил шуғулланиб, халқро онлайн платформалар орқали яратган маҳсулотини четга сотган.

Аммо бу рақамлар Ўзбекистон салоҳияти учун етарли эмас. Соҳани ривожлантириш мақсадида Президентимиз томонидан қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган. Хусусан, IT-компанияларни ҳудудлардаги бўш турган йишларга бир йил муддатга бепул жойлаштириш, иқтисодий дастурчиларга бир йил ичида бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан компьютер ва техникалар бериш, 50 дан ортиқ IT мутахассисларни ишли қилган компанияларнинг бир йил давомидаги иш ҳақи ҳаражатиининг 15 фоизга қисминини қоплаб бериш, экспортчи корхоналарга четдан эксперт жалб этиш, халқро конференцияларда қатнашиш ҳаражатиининг 50 фоизини компенсация қилиш кўзда тутилмоқда. IT-парқни халқро микёсга олиб чиқил учун Германия ва Саудия Арабистонида унинг шубба корхоналарини очиш режалаштирилган.

Бундай янги имкониятлар ҳисобига 2024 йилда IT хизматлар ҳажмини 2 баробар ошириш мумкин. Бунга эришиш учун, аввало, чет тил ва технологияларни биладиган кадрларга эҳтиёж сезилади. Шу боис Рақамли технологиялар вазирлигига 8 минг нафар энг иқтисодий ёшни саралаб, нуфузли халқро компаниялар талабига мос дастур асосида ўқитиш вазифаси қўйилди. Шунингдек, “Ҳар бир маҳаллада камда икки нафар дастурчи” лойиҳаси бошланади. АҚШлик ҳамкорлар билан “Инклюзив рақамлаштириш” лойиҳаси доирасида 20 минг аҳоли бандлиги таъминланади. 2026 йилда Халқро информатика олимпиадаси илк бор мамлакатимизда ўтказилиши кутуляптики, бу ҳам рақамлаштириш соҳасидаги имкониятларимизни оширишга хизмат қилади. Аҳамиятлиси, рақамлаштириш турли идора ва ташкилотларда инсон омилини қамайтириш, коррупциянинг олдини олиш гаровидир.

Президентимиз 20 декабри қуни Рақамли технологиялар вазирлигига таширф буюрган чоғда Рақамли бошқарув марказида “Ўзбекистон — 2030” стратегиясига мувофиқ амалга оширилаётган ишлар тақдироти билан танишди. Маълумки, ушбу стратегияда мамлакатимизни минтакавий “IT-HUB”га айлантириш мақсади белгиланган. Бу давлат бошқаруви ва соҳаларни рақамлаштириш, алоқа инфратузилмасини яхшилаш, IT таълимини ривожлантириш каби кўп омилларни талаб этади.

Охириги йилларда ушбу йўналишларда катта ўзгаришлар бўлди. 2017 йилда юртимизда IT-компаниялар сон 147 та эди, ҳозир 1 600 тага етган. Иш ўринлари ҳам қисқа вақтда 10 баравар кўпайиб, 24 минг-



тадан ошган. 2017 йилда 600 минг АҚШ доллари бўлган экспорт ҳажми 2023 йил якуни билан 300 млн. доллардан ортди.

Қундалик ҳаётимизга рақамлаштириш жадал кириб келяпти. “My.gov.uz” ягона портали орқали бугунги кунда 8 миллиондан ортиқ аҳоли 570 турдаги онлайн хизматдан фойдаланмоқда. Ижро имтиёзининг ягона тизими — “jro.gov.uz” орқали давлат идоралари ва уларнинг қўйи бўғинлари ҳодимлари томонидан 28 миллионга ҳўжат электрон айирбосланган. 2022 йилда БМТнинг “Электрон ҳўкумат” рейтингиде мамлакатимиз 18 поғона юқорилаб, 69-ўринни эгаллади. 2030 йилга бориб биринчи ўпитизаликка кириш бўйича йиллик чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Шунингдек, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида IT хизматлар ва дастурий маҳсулотлар экспорти ҳажмини 5 млрд. долларга етказиш мақсади белгиланган. Бунинг учун ҳудудларда IT инфратузилмаси ва венчур бозорини ривожлантириш, “local to global” тамойили орқали маҳаллий корхоналарни экспортга олиб чиқиш, юртимизда халқро компанияларнинг офисларини очиш каби қўллаб қоралар кўзда тутилган. Шу мақсадда икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш, IT-парк ҳудудида Англия ҳўқуқини жорий этиш, резидентлар учун солиқ имтиёзларини 2040 йилгача узайтириш, умуман, бу соҳага 100 йиллик қулайлик яратиш бўйича тақлифлар муҳокама қилинди. Давлат раҳбари мамлакатимизнинг ахборот технологиялари, туризм, инвестиция салоҳиятини муҳассамлаштирган аҳлит имижини яратиш бўйича кўрсатма берди.

Давлатимиз раҳбари ҳар доим, аввало, аҳоли энг кўп тўқнаш келаётган соҳаларни рақамлаштириш, одамларнинг оғирини енгили қилиш зарурлигини таъкидлайди. Шу нуқта назардан, соғлиқни сақлаш, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа ижтимоий тармоқларда рақамлаштириш тўлиқ жорий этилса, бу янгиликларни одамлар ўз ҳаётида, бюрократия ва коррупциянинг қамайгани мисолида, давлат хизматларини кўрсатиш жараёни тезлашганда сезади.

Зеро, рақамлаштириш — ривожланиш ва ҳалқимиз ҳаётини яхшилаш борасидаги ишларнинг энг катта омил. Бу жараён ҳар бир жабҳада меҳнат қилаётган фуқароларимизнинг оғирини енгилаштириши, вақтини теҳаси, ишларнинг яхши ва сифатли бажарилишига қўмаклашиши бугунги кунда жаҳон тажрибасида ўз исботини топди. Бу борадаги технологиялар барча соҳада тараққиёт суръатларини жаддалаштиради ва пировард мақсадларга тезроқ ва яхшироқ эришишга қўмаклашади.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, “Рақамли иқтисодиётсиз мамлакат иқтисодиётининг келажаги йўқ”. Энг асосийси, мамлакатимизда рақамли технологиялар қанча тезроқ жорий қилинса, амалга оширилаётган ислохотлар натижаси шунча сифатли ва муваффақиятли

ЮКСАК ЖАНГОВАР РУҲ — АСКАРНИНГ ЕНГИЛМАС КУЧИ, АРМИЯНИНГ ҚУДРАТИДИР



Шу ўринда айрим қиёсий мисолларга эътиборингизни қаратмоқчимиз. Бугунги кунда ҳарбий хизматчиларимизнинг интеллектуал салоҳияти ва дунёқараши кечагидан тубдан фарқланади. Ҳатто яқин ўтмишимизда ҳам юрт ўғлонларининг маънавий оламини бойитишга қаратилган мусобақа ва танловлар бармоқ билан санарли эди. Бугун улар ўртасида илмий баҳслар, мунозаралар қамрови кескин ўсдики, эндиликда ҳарбийларимиз орасидан соҳа билимдонлари, мутахассислари етишиб чиқмоқда.

Мисол учун, ўтган йилнинг август — октябр ойларида куч тузилмаларининг вазирлик ва идоралар ҳарбий хизматчилари ўртасида “**Тарих билимдонни**”, “**Энг яхши ҳарбий кўшиқ ижрочиси**”, “**Энг яхши ёш адиб**” ва “**Энг яхши ёш шоир**” танловлари, шунингдек, қўшинларда тарбиявий ва мафкуравий ишлар йўналишида **10 дан ортиқ** мусобақалар ўтказилди. “**Энг яхши кутубхона**”, “**Энг яхши кутубхоначи**”, “**Энг яхши Маданият маркази бошлиғи**” йўналишларидаги кўрик-танловлар натижасида соҳадagi моддий ўқув базалар тубдан янгиланиб борди. Шубҳасиз, бу сайёҳаракатлар илмга бўлган эҳтиёжнинг кескин ошиши, минглаб китобхоналар қатламининг шаклланишига туртки берди.

2023 йил 22 декабрь куни Президентимизнинг Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишидаги нутқда ҳақидан алоҳида тўхталиб, кўйидаги сўзларни таъкидлади: “**Тарихдан маълум, Ватан ва халқ тақдирига нисбатан таҳдидлар кучайган вазиятда айнан миллат фидойилари — уйғоқ қалбли зийиллар, шоир ва адиблар, санъат на-**

мояндалари, маънавият ва маърифат соҳаси ходимлари жасорат билан майдонга чиққанлар. Мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги, юксак босқичига кираётган ҳозирги пайтда бизга ҳақид боболаримиз каби Фарб илмфан ютуқлари билан бирга, миллий қадриятлар руҳида тарбия топган етук кадрлар сув билан ҳаводек зарур”.

Чиндан-да, ушбу сўзлар ҳар бир соҳада фаолият юритаётган маънавият жонқуярларининг дастуриламали бўлиб хизмат қилиши керак. Хусусан, мудофаа тизимида ҳам улғу боболаримизнинг ижодий меросини чуқур ўрганиш, ёш ҳақидлардек билили ва ватанпарвар ўғлонларни тарбиялаш бош вазифаларимиздан бири бўлиб қолади.

Албатта, Қуролли Кучларимиз шахсий таркиби учун китоб мутолааси хизмат фаолиятининг бир бўлагига айланишга улгурди. “**Энг яхши китобхон**”, “**Энг яхши ёш китобхон**” ва “**Энг яхши китобхон оила**” танловларининг анъанавий тарзда ўтказилиши, кўргазмалар ва китоб ярмаркалари, бадиий-ижодий кечалар одат тусига кирди. Бу шундай чанқоқ эҳтиёж эдики, биргина ҳарбий хизматчилар билан фан, маданият, санъат арбоблари, ёзувчи ва шоирлар иштирокида **13 мингдан зиёд** маънавий-маърифий тадбирлар, буюк саркарда ва алломаларимизнинг илмий меросларини ўрганишга бағишланган **10 мингга яқин** давра суҳбати ва семинарлар, интеллектуал ўйин ва викториналар, кино, театр ва музейларга ташрифлар, тарихий обидалар, зиёратгоҳлар ва диққатга сазовор жойларга экскурсиялар уюштирилиши олиб борилаётган ишлар салмоғини яққол кўрсатиб турибди.

“**Ватан муқаддас, уни**

ҳимоя қилиш шарафли бурчдир” шiori остида маънавий-маърифий, ҳарбий-ватанпарварлик фестиваллари, “**Қўмондон ва ёшлар**”, “**Генерал ва ёшлар**” учрашувлари, “**Очик эшиклар куни**” каби тадбирлар муттасил равишда ўтказиб борилаётгани ўзига хос ҳодиса сифатида баҳоланмоқда. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Қўшинларда Президентимиз томонидан илгари сурилган “**беш муҳим ташаббус**” доирасида **1000 га яқин** турли интеллектуал, спорт ва санъат тўғрақлари ташкил этилиб, **уларга 24 минг нафарга яқин** ёшлар жалб қилинди.



Армия — ватанпарварлик ва жасорат мактаби

Ҳабарингиз бор, Ҳукуматимиз қарори билан 2023 — 2027 йилларда Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари самарадорлигини ошириш концепцияси тасдиқланди. Шунга асосан ҳарбий-маъмурий секторлар билан ҳамкорликда

хуудлар кесимида “**Армия — ватанпарварлик ва жасорат мактаби**” шiori остида уюшмаган, тарбияси оғир ва ҳисобда турувчи ҳамда ўқувчи-ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича чора-тадбирлар дастури ижроси юқори савияда олиб боришмоқда. Айниқса, профилактика хисобда турувчи ҳамда тарбияси оғир ўсмирлар ҳақида гап кетганда, “**Жиззах тажрибаси**” анчайин самарали иш бергани, шу асосда ҳарбий қисмлар базасида улар билан “**Жасорат мактаби**” ҳарбий-ватанпарварлик ўқув йиғинлари ўтказилгани, бу ўз навбатида, **5 минг нафардан ортиқ йигит-қизларни** қамраб олгани мамнуният билан айтиш жоиз. Ўқув йиғинлари давомида ёшлар билан ҳарбий фанлардан ташқари, “Ишга марҳамат” мономарказларининг маълуми мутахассислари томонидан ИТ-дастурлаш, электрик, автоэлектрик, сантехник, двигател устаси, пайвандчилик, чилангарлик ва дурадгорлик каби ўндан ортиқ касб-ҳунарлар ўргатилди, уларнинг иш режаларини ривожлантириш учун тижорат банклари томонидан бизнес-тренинглар ўтказилди. Йиғинлар давомида йигит-қизларнинг дунёқарашини кенгайтириш, соғлом турмуш тарзига қайтариш борасида “За-

лиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардия билан ҳамкорликда Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги “Ёшлар оромгоҳи”да 7 кунлик алоҳида дастур асосида “**Ватанпарварлар**” тарбия ва спорт-соғломлаштириш лойиҳаси ташкил этилиб, жиноят содир қилишга мойил **3 минг нафарга яқин** ёшлар билан ҳарбий-ватанпарварлик тадбирлари, спорт мусобақалари, психологик тренинглар ҳамда индивидуал суҳбатлар ўтказишга эришдик. Натижа кўнгилдагидан ҳам зиёда. Тадбирларимиз самараси ўлароқ **2,2 мингдан ортиқ йигит-қизлар** профилактика хисобдан чиқарилиб, касб-ҳунарга йўналтирилди.

Шу билан бирга, ўтган йили “Ёшлар дафтари”даги **600 дан ортиқ йигитлар** муддатли ҳарбий хизматга қақирилди, **6 мингдан зиёда** Ёшлар жағфармаси хисобидан сафарбарлик қақируви резервда хизматни ўташлари учун 36,5 млрд. сўмдан кўпроқ пул бадаллари тўлаб берилди.

«Ватан таянчи» ҳаракати — чинакам суянчимиз

Яна бир муҳим қанот ҳақида эслаб ўтсак. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 март куни қабул қилинган “Ватан таянчи” болалар ва ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракати фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ вазирлик ҳузуридаги “Ватан таянчи” ҳаракатининг **14 та хуудий бўлими** ҳамда **188 та туман бўлини**маси йўлга қўйилди. Бугунги кунда ҳаракатга аъзо бўлганлар сони **186 минг нафардан** ошди. Ўтган йилнинг март-апрель ойларида умумий ўрта таълим мактабларининг “**Ватан таянчи**” отряди аъзолари ўртасида уч босқичли “**Ватанпарварлар**” ҳарбий-спорт мусобақалари уюштирилди. Уларда **10 мингга яқин** умумтаълим мактабларидан **қарийб 100 минг нафар ўқувчи-ёшлар** иштироки таъминланди.

Шунингдек, июнь ойида Қозғистоннинг Қарағанда вилоятида уюштирилган IX халқаро “**Айбон**” ҳарбий-ватанпарварлик мусобақасида “Ватан таянчи” ҳаракати жамоаси голиблар сафидан жой олгани сайёҳаракатларнинг амалий

ифодаси сифатида эътироф этилди. 2024 йилда мазкур ҳаракат асосий фаолиятини во-лонтёрлик йўналишини ривожлантириш орқали маҳаллалардаги ёрдамга муҳтож ва имконияти чекланган, ёлғиз ва кекса фуқароларга ёрдам бериш, уюшмаган, тарбияси оғир ёшларни ўз сафига қўиш ҳамда Президент мактаблари, ихтисослаштирилган ва хусусий мактабларни ҳам қамраб олишни мақсад қилган.

Хотин-қизларга эътибор келажак мақсадлар рўёбига хизмат қилади

Дарвоқе, ўтган йил давомида Мудофаа вазирлиги қўшинларида хотин-қизлар ва ҳарбийларнинг оила аъзоларини



Ҳамдам ҚАРШИЕВ, Мудофаа вазирининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари, генерал-майор.

жариш чоғида ногиронлиги бор ёҳуд ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг **42 нафар фарзандига** квотадан ташқари республика олий таълим муассасаларига ўқиш учун тавсияномалар берилди.



ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида ҳам талай ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2023 йилда республика бўйича жами **410 та хонадондан иборат кўп қаватли уйлар қурилиб**, ипотека кредитлари асосида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига, бундан ташқари, ҳарбий пенсиянерларга топирилди.

Хотин-қизлар ва ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларини иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш мақсадида **500 нафардан ортиқ** хотин-қизлар мономарказ ҳамда ўқув масканларида касбларга йўналтирилди. Ҳарбий шахарчаларда **125 та** тикувчилик цехининг фаолияти йўлга қўйилди.

Мингдан ортиқ ҳарбийларнинг фарзандларига, шунингдек, хизмат вазифаларини ба-

Шу ўринда катта қизиқиш борасида ҳам талай ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2023 йилда республика бўйича жами **410 та хонадондан иборат кўп қаватли уйлар қурилиб**, ипотека кредитлари асосида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига, бундан ташқари, ҳарбий пенсиянерларга топирилди.

Бундан ташқари, “**Қадринг баланд бўлсин, она тилим!**”, “**Энг фаол тарғиботчи ва зирлик-идора**” номинацияларида ҳам Мудофаа вазирлиги жамоалари голиблар сафидан ўрин эгаллади. Аҳамиятисини, келгусида мазкур миллий танловни нафақат ҳарбий соҳада, балки олий таълим муассасаларининг талаба-қизлари ўртасида ҳам оммалаштириш режалаштирилган.

Хуллас, юқорида келтирилган рақам ва маълумотлар қайсидир маънода бақарилган ишлар салмоғини аңлатса, бошқа томондан янги йилда соҳа вақиллари зиммасига бундан-да юқори марраларни забт этиш масъулиятини юқлайди. Маънавият ва ахлоқий тарбия масалалари ҳар қачонгидан-да долзарб масалага айланиб борар экан, **биз бу йилда бор куч ва ғайратимизни сафарбар қилишдан асло чекинмаймиз!**

МАМЛАКАТИМИЗ МУДОФАА САЛОҲИЯТИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА МУҲИМ ЁНДАШУВ

Тинчлик соҳалар ривож, хусусан, фаровонлик ва тараққиётнинг муҳим омилдир. Шу боис бутун дунёда тинчлик доимо энг улғу неъмат сифатида қадрланади. Уни асраш ва Ватанни ҳимоя қилиш чинакам мард инсоннинг шарафли бурчи ҳисобланади. Мамлакатимизда бу борадаги эзгу қадриятлар бардавомлигини таъминлаш доимий эътиборда. Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатини юритишда тинчлик ва тараққиётга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни чоғда кунни тунга улаб, юрт сарҳадларини қўриқлаб, халқимизнинг ҳаловатли ва хотиржам ҳаётини таъминлаб келаётган Ватан ҳимоячиларини шарафлаш, уларнинг масъулиятли касбини улғулаш ҳақида тинчлик ва тараққиётнинг муҳим йўналишига айланган. Ўртимизда 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни сифатида кенг нишонланиши ҳам тинчлигимиз ва осойишталигимиз посбонларига бўлган юксак эҳтиром белгисидир.

Бу йил Қуролли Кучларимиз ташкил топганининг 32 йиллиги кенг нишонланмоқда. Шу муносабат билан мамлакатимиз бўйлаб байрам тадбирлари уюштирилмоқда. Айтиш кераки, ўтган йиллар мобайнида Қуролли Кучлар тизимида улкан ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, янги Мудофаа доктринаси қабул қилиниб, ҳарбий тузилмаларнинг таркиби ва вазифалари чуқур қайта қўриб чиқилди. Қўшинларни бошқариш тизими такомиллаштирилди, миллий армиямиз замонавий қурол-яроғ ва техника воситалари билан таъминланди.

Тарихимизда илк бор ўз моҳиятига кўра ноёб тизим — ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил этилди. Бундай иш усули жойлардаги давлат ҳокимияти органларини мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлашга фаол жалб қилиш имконини берди. Мудофаа саноатида маҳаллийлаштириш ишлари йўлга қўйилди. Натижада соҳанинг моддий-техника базаси янгиланди. Ҳарбий хизматчиларнинг касбий билим ва маҳорати оширилиб, моддий таъминоти янги даражага кўтарилди. Шунингдек, ҳар томонлама билимий, маҳоратли, жасур ва довиорақ, иродали Ватан ҳимоячиларини тарбиялаш масаласига

алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳарбий хизматчиларнинг назарий билимининг мунтазам чуқурлаштириб бориш, замонавий техника, қурол-яроғлардан юқори савияда фойдалана олишини таъминлаш мақсадида таълим стандартлари ривожланган давлатлардаги каби юқори даражага кўтарилди. Амалий машғулотлар мунтазам ўтказилиш йўлга қўйилди. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда республикамиз Қуролли Кучлари тизимидаги маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда билимдон, халқига, Ватанига хизмат қилишга содиқ ёшларни тарбиялаш бўйича кенг миқёсли ишлар уюшланмоқда. Замонавий фикрлайдиган, давлатимиз манфаатлари ва суверенитетини фидокорона ҳимоя қилишга тайёр, жисмонан соғлом ва маънан етук ёш авлодни тарбиялаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фақулудда вазиятлар вазирликлари, Давлат хавфсизлик хизмати ва Миллий гвардия таркибида “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейлари ташкил этилди.

Шунингдек, Президентимизнинг тегишли қарорига мувофиқ, олий ҳарбий таълим тизимида ҳам бир қатор исло-

хотлар амалга оширилди. Жумладан, Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юрти негизида хорижнинг илғор технологиялари ва замонавий ўқув воситаларини ўзида мужассам этган Қуролли Кучлар Академияси, Қуролли Кучлар Ҳарбий тиббиёт академияси ҳамда Жамоат хавфсизлиги университети асос солинди.

Бошланғич ҳарбий таълимни ўзлаштирган ёшлар мазкур ҳарбий олий таълим муассасаларида, шунингдек, Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Олий ҳарбий авиация билим юрти, Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтида профессионал билим ҳамда кўникмаларга эга бўлмоқда. Меҳнат фаолияти давомида эса жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида малака ошириб, энг сўнгги ҳарбий ахборот технологиялари ва қурол-аслаҳаларидан амалиётда кенг фойдаланяпти. Чинакам ҳарбийча ҳаётга мослашиб, ўз юрти ва халқига садоқат билан хизмат қилмоқда.

Миллий армиямизнинг ташкилий тузилмалари такомиллаштирилиши натижасида қўшинларнинг жанговар тайёргарлиги, ҳарбий қудрати ва салоҳияти янада оширилди. Ҳарбийларимиз халқаро ҳарбий ўқув-машғулотлар, армия ва спорт мусобақаларида фарҳали ўринларни эгалламоқда. Мамлакатимизда олиб борилаётган тўб ислохотлар натижасида миллий армиямиз ҳар қандай хавф-хатарга муносиб зарба бера оладиган қудратли, тезкор ва самарали кучга аэлиги қувонарли. Халқимиз ва ҳарбийларимизнинг ҳамжиҳатлиги тобора мустаҳкамланмоқда. Ортдошларимиз орасида фарзандонини ҳарбий соҳага ўқитиш иштиғи тобора ошяпти. Армия сафларида йигитлик бурчини ўташ ҳозирги ёшларнинг катта мақсадларидан бирига айланди.



Суратлар “Халқ сўзи” фотокаммасидан олинди.

Минтақамизда очиклик ва миллий манфаатларни ўзаро ҳисобга олиш таъмоийиларига асосланган ҳолда, Марказий Осиёдаги қўшни давлатларнинг юқори даражадаги ҳарбий делегация раҳбарлари билан ҳарбий соҳада яқин шериклик алоқалари ўрнатилди, қўшма меморандумлар имзоланди. Шунингдек, ҳарбий дала ўқув майдонларида амалий қўшма ўқув машғулотлари биргаликда ўтказилди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббусига кўра ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий қўллаб-қувватланиб, ҳарбий шахарчалар ободонлаштирилмоқда. Уларда замонавий инфратузилмалар барпо қилиш бўйича тизимли ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Хусусан, ҳарбий шахарчалар ҳудудида маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолияти йўлга қўйилмоқда. Ҳарбий шахарчалар замонавий қиёфага эга

бўлди. Моддий таъминот хизматлари соҳасига аутсорсинг тизими кириб келди. Ўтган йиллар давомида ҳарбий хизматчилар оиласини хонадонлар билан таъминлаш учун кўп қаватли уй-жойлар бунёд қилинди. Ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари учун қўшимча равишда кўплаб янги иш ўринлари яратилди. Уларнинг фарзандларига олий ўқув юртларида таълим олишлари учун давлат грантлари ажратилди.

Мазкур ислохотлар бугунги кунда ҳам давом эттирилиб, Мудофаа вазирлиги қўшинларининг жанговар шайлиги ва тайёргарлиги ҳамда ўқув моддий-техника базасини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Янги Ўзбекистоннинг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясига кўра, замонавий жанг ва ҳарбий санъатни ҳамда хорижий армияларнинг илғор тажри-

басини ўрганиш асосида қўшинлар жанговар шайлигини ривожлантириш кўзда тутилган.

Жонажон юртимизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги ишларни янада самарали ташкил этиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Айнан шунинг учун ҳам “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида Қуролли Кучларнинг рақамли салоҳиятини ошириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ҳарбий хизматчиларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича билим ва кўникмасини кенгайтириш муҳим ишлардан бири этиб белгиланган.

Умуман айтганда, бундай ўзгаришлар тўғрйли миллий армиямиз ҳар қандай таҳдид ва хавф-хатарга қарши муносиб зарба бера оладиган эл-юрт таянчи ва суянчига, ёшлар ва ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик ва садоқат руҳида тарбиялашнинг муҳим институтига айланмоқда. Бундан ташқари, ҳарбийларимиз мамлакат ижтимоий ҳаётида ҳам фаол иштирок этмоқда. Айниқса, қўшинлардаги “Ватанпарвар” тарғибот-ташвиқот гуруҳлари ўз сафларига ёшларни жалб қилган ҳолда ижтимоий ҳимояга муҳтож ва эҳтиёжманд оилалар, боқувчисини йўқотган, ёлғиз кекса ва ногиронлиги бўлган шахсларга моддий ва маънавий ёрдам бермоқда. Энг асосийси, “Армия ва халқ — бир тану бир жондир!” деган улғу гоёяни амалда таъминлаш борасидаги тизимли ишлар тўғрйли миллий армиямиз юрт тинчлиги ва халқ осойишталиги учун хизмат қилмоқда.

Ойбарчин АБДУЛЛАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси.

ТОШКЕНТ МОДА ҲАФТАЛИГИ «FORBES» ЖУРНАЛИ САҲИФАЛАРИДА

Американинг “Forbes” молиявий-иқтисодий журналида ўтган йили ноябрь ойида бўлиб ўтган Тошкент мода ҳафталигига бағишланган мақола чоп этилди. Нашрда ёзилишича, Ўзбекистон Хиндистон, Вьетнам, Бразилия ва Хитой каби пахта экспорт қилувчи ҳамда тўқимачилик саноатига эга йирик давлат ҳисобланади.

Дунё нигоҳи

“Сўнгги йилларда Ўзбекистон туризмининг тарғиб этиш бўйича ҳам бир қатор ташаббусларни илгари сурди, — деб ёзади нашр муҳбири. — Айтиш керакки, Ўзбекистонда ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган кўплаб мажмуа ва шаҳарлар бор. Бўлиб ўтган мода ҳафталиги Ўзбекистон пойтахти Ипак йўлининг афсонавий Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари каби улугвор ва бетакорр гузалликлари ага эканлигини кўрсатди. Ҳеч муболагасиз, Тошкент ташриф буюришга арзийдиган масканлардан биридир”.

“Forbes”da, шунингдек, мода оламининг таниқли вакили Даян Пернетнинг ушбу тадбир ҳақидаги фикрлари келтирилган: “Масмуннинг гўзал, ёрқин ва бекиёс рамзи — бу капалак бўлди”.

Мақолада таъкидланишича, дунёдаги биринчи мода, маданият ва фильмлар фестивали “ASVOFF” асосчиси Даян Пернетнинг Ўзбекистонга ташрифи 2024 йилда Тошкентни саёҳат рўйхатига киритиш зарурлигини кўрсатди.

“Hyatt Regency” меҳмонхонасида ўтказилган тадбирда ўндан

ортиқ дизайнерлар ўзларининг 2024 йил учун баҳор-ёз коллекцияларини намойиш этди. Улардан беш нафари Ўзбекистоннинг ёш брендлари эди, қолган беш нафари эса Қозоғистон ва Грузиядан келган. Ҳар бир дизайнер томонидан тақдим қилинган либослар тўплами ўзига хос хусусият ва услубга эгалиги билан мутахассислар эътирофига сазовор бўлди, деб ёзади “Forbes” муҳбири.

Эслатиб ўтамиз, “Forbes” журнали дунёдаги энг нуфузли иқтисодий нашрлардан бири ҳисобланади. АҚШда “Forbes” 900 минг нусхадан ортиқ адади билан йирик бизнес-журналлар қаторига киради. Журнал ишбилармонлик оламидаги дадил изланишлари ва воқеаларга объектив баҳо бериш, шунингдек, турли рўйхатлар ва рейтинглар эълон қилиб бориши туфайли журналхонлар эътиборини жалб этган. “Forbes”нинг умумий аудиторияси дунё бўйлаб тахминан 5 миллион кишини қамраб олган.

«Дунё» АА.
Вошингтон

САМАРҚАНД — ЖАҲОН МАДАНИЙ ТУРИЗМ ПОЙТАХТИ

Шундан сўнг журнал ўқувчилари эътибори Хиндистоннинг молиявий пойтахти — Мумбай шаҳрида Ўзбекистон сайёҳлик салоҳиятига бағишлаб уюштирилган кенг кўламли роуд-шоу тафсилотларига қаратилган. Мазкур тақдирот маросими Ўзбекистон ва Хиндистоннинг туризм соҳасидаги яқин ҳамкорлигининг яна бир ёрқин намунаси бўлди, икки буюк давлатни бир-бирига яқинлаштирди. Хиндистон аҳолисига Ўзбекистон, унинг тарихи, халқаро микёсда тан олинган ҳақиқий меҳмондўстлик аъёнаналари ҳақида ранг-баранг маълумот олиш имконини берди, деб қайд этилган иxtисослаштирилган нашрда.

“Самарқанд: Жаҳон маданият туризм пойтахти” сарлавҳали мақолада муаллиф “Ўзбекистоннинг шарқий-марказий бағрида ўтмиш тарихий даврлардан гувоҳлик берадиган шаҳар жойлашган. Икки минг йилдан ортиқ бой тарих ва маданият уйғунлигининг жонли гувоҳи бўлган Самарқанд шаҳрига хуш келибсиз”, деб урулган.

Журналист қадимий шаҳарнинг жозибадорлигини англатишга ҳаракат қилиб, шундай хулосага келган: “Самарқанднинг сеҳри унинг тарихий ҳазиналари — масжид, мадраса ва макбараларнинг мафтункор уйғунлигидир. Шаҳар марказида ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган Регистон жойлашган бўлиб, у ерда бир вақтлар бозорлар ва қарвонсаройларнинг шовқини қайнаган, ҳўкмдорлар фармонларининг акс садоси янраган гавжум май-



дон бўлган. Регистон Самарқанд бой тарихининг мазмун-моҳиятини ўзида мужассамлаган бўлиб, меҳмонларни ушбу аjoyиб шаҳарда бунёд этилган ўтган даврларга шўнғишга чорлайди”.

Муаллиф сайёҳларга шаҳарнинг сирли ўтмишидан ҳикоя қилувчи тарихий гавжум кўчалари бўйлаб сайр этиш, муҳташам Бибиҳоним мадрасасининг улғурлиги, Улғубек расадхонасининг самовий мўъжизалари, Хожа Аҳрор мажмуасининг сокин муҳити, Афросиёбнинг қадимий жозибасини ҳис қилишни маслаҳат беради. “Тарихий шахсининг бардавом меросини акс эттирувчи Амир Темурнинг ҳайратланарли макбарасини зиёрат қилинг. Бу ердаги қўйилган ҳар бир қадам тарихнинг мазкур жонли китобидан янги кашфиётлар очишга имкон беради”, дейилади нашрда.

«Дунё» АА.
Дехли

Инфратузилма СУВ ТАРМОҚЛАРИ ҚУРИЛИШИГА 87 МИЛЛИАРД СЎМ АЖРАТИЛАДИ

Ўтган йили Андижон вилоятида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 1560 км. тармоқ тортилиб, 27 та сув иншооти ишга туширилди. Натижада марказлашган ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 90 фоиздан ошди.

“Андижон сув таъминоти” МЧЖ маълумотларига кўра, йўналишлар бўйича олиб борилган сув қурилиш ишлари натижасида 227 минг нафар аҳоли илк бор тоза ичимлик суви билан таъминланган бўлса, 390 минг нафар кишига хизмат кўрсатиш сифати янада яхшиланди.

— Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашда давлат дастурларининг аҳамияти жуда катта бўлмоқда, — дейди жамият директорининг ўринбосари Азизбек Йўлдошев. — Биргина “Обод хонадон — обод кўча — обод маҳалла” мезони асосида тўртта маҳаллада жами 5 та сув қудуғи қурилиб, 34 км. сув тармоғи тортилди.

Бу каби ишлар кўлами 2024 йилда янада кенгайди. Зеро, 87 млрд. сўм эвазига сув қурилишига

оид лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган.

“Андижон сув таъминоти” МЧЖ бўлим бошлиғи Марҳабхон Насриддиновнинг айтишича, ўтган йилда сув жўмрақларига сув ҳисоблаш ускуналарини ўрнатиш ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Сабаби ушбу ускуна биз фойдаланаётганда исроф бўладиган 27 фоиз сувни тежаб қолиш ва истёмолич тўлаши керак бўлган тўловни 4-5 баробар арзонлаштириш имконини беради. Шу боис вилоят бўйича 90 мингдан ортиқ шундай ускуналар ўрнатилди. Бунинг натижасида аҳолини сув ҳисоблаш ускуналари билан таъминлаш даражаси 5 фоиздан 31,3 фоизга етказилди.

Саминжон ХУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).

ҚАЛБГА ЁҚИЛГАН ЭЗГУЛИК ЧИРОҒИ

Ҳар бир инсон ички оламида эзгулик ва гўзалликка ошно туйғулар, яратувчанлик иштиёқи яшайди. Афсуски, одам қусурлардан ҳамон тўлиқ холи эмас экан, жоҳилликдан уни халос этиш, тўғри йўлга бошлаш, кўнглида меҳнатга рағбат уйғотиш ҳам жамиятнинг зарурий вазифаларидан саналади.

Бандлик

Бугун мамлакатимизда тузалиш йўлига ўтган собиқ маҳкумларга нисбатан халқимизга хос инсонпарварлик ва бағрикенглик намуналарини кўрсатиб, уларни афв этиш ҳам жаҳолатга қарши маърифатнинг ўзига хос қурилишларидан бири сифатида танланган.

— Афв этилган инсон қалбиде, энг аввало, инсоний фазилатлар фаоллашади, — дейди Омбудсманнинг Навоий вилоятидаги минтақавий вакили Шухрат Жўраев. — Маҳкумликда ўзи учун ҳаётий хулосалар чиқарган инсонга касб ўргатиш эса унинг жамият ҳаётида ўз ўрнини топишининг бирдан-бир шарти ҳисобланади.

Шу мақсадда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг Навоий вилоятидаги минтақавий вакилиги ташаббуси билан Навоий шаҳридаги “Ишга марҳамат” моно-

маркази ҳамда Навоий махсус прокуратураси ва Жазони ижро этиш департаменти, 4-минтақавий мувофиқлаштириш маркази ўртасида меморандум тузилиб, маҳкумларга касб-хунар ўргатиш йўлга қўйилди. Яқинда уларнинг бир гуруҳига ўрганган касб-хунарларини тасдиқловчи махсус сертификатлар топирилди.

— Жазони ўташ даврида мен маиший техникаларни таъмирлаш хунарини ўргандим, — дейди Камолхон Турсунов. — Кўнглимда қани энди, тезроқ озодликка чиқсам, ўз хунарим билан одамларга, оиламга нафим тегса, деган ният уйғонди. Бунинг учун, албатта, ҳаракат қиламан.

Тадбирда маҳкумларга ушбу сертификатларнинг аҳамияти ҳамда ҳаётда уларнинг жамиятга мослашувини таъминлаш борасида қилинаётган ишлар ҳусусида батафсил тушунча берилди.

Темур ЭШБОЕВ
(«Халқ сўзи»).

«ҚИРҚ ҚИЗ ОЙНАСИ» ҲАҚИДА ЭШИТГАНМИСИЗ?

Бухоро амирларининг Ситораи Моҳи Хоса ёзғи саройи XIX-XX асрлар Шарқ нафис меъморчилиқ санъатидаги ноёб тарихий-меъморий обидалардан бири саналади.

“Ой номанд юлдузлар маскани” маъносини англатувчи бу гўшанинг барча бинолари бухоролик моҳир усталар томонидан тикланган. Буюмлар эса асосан, чет давлатлардан келтирилган. Сарой хоналаридеги мебеллар, дуб дарахтидан махсус тайёрланган айлана стол ва креслолар, табуреткалар, қамшидан ясалган мебеллар Россия ва Франциядан олиб келинган.

Биласизми?

Гулдонлар ҳамда хайкалчалар учун мўлжалланган махсус тагликлар Россия, Япония ва Хитойдан, қандиллар эса Польшадан буюртма асосида тайёрлаб келтирилган.

Ситораи Моҳи Хосадаги кўзгулар, айниқса, ўзининг нафислиги, ноёблиги билан ажралиб туради. Италиянинг Венеция шаҳрида тайёрланган, Россиядан келтирилган ва Япониянинг қимматбаҳо тошлар билан безатилган ойналар сарой дахилзлари, аёллар ётоқхоналаридан жой олган.

Венеция ойналари қалин биллурдан ясалган. Биллурга турли нақш ва шакллар берилган. Асосига қумуш қоплама ёпиштирилган бўлиб, пастки қисми курси шаклида ишланган. Ойна ҳақида турли-туман ривоятлар мавжуд. Унда нақл қилинишича, ойнага узок муддат киприк (михжа) қоқмасдан қараб турган аёл ўн ёшга яшарак эмиш. Бу ойнага қараган инсон ўз аксини юз фоиз кўради, деган фикр ҳам бор.

Кўрғазмадан “Қирқ қиз ойнаси” номи билан машҳур ойна ҳам ўрин олган. Россиядан Бухоронинг сўнгги ҳўкмдорига совға тариқасида берилган бу осориатика “бахт ойнаси”, “муяссар ойнаси” деб ҳам номланган.

Гап шундаки, бу кўзгу олдида турган киши ўнг ва чап томонга қараб ўзининг бир ёки икки эмас, қирқта аксини кўради. Шундан бўлса керак, “Ойна олдида қилинган ният қирқ кунда амалга ошади” деган ақида юради.

Аслида шу юртнинг ўтмиши, бутуни ва эртасига берафқ бўлмаган маърифатли киши халқимизнинг бой маънавий меросидан баҳра олиш, бу борадаги тасаввурларини кенгайтириш, билимини ошириш ниятини дилига жо этади ва музейларга ташриф буюради.

Ситораи Моҳи Хоса шу ниятнинг рўёбга чиқишига туртки вазифасини ўтайдиган ноёб гўшалардан биридир. Зеро, аҳамияти жиҳатидан у жаҳон маданиятида Париждаги Лувр қироллар қароргоҳи, Версалдаги князлар, Санкт-Петербургдаги Екатерина ва Николай саройлари, Кримдаги Левада саройи билан бир қаторда туради.

Норига ЖУМАЕВА,
Бухоро шаҳридаги Ситораи Моҳи Хоса халқ амалий безак санъати музейи катта илмий ходими.

ЭРТАНГИ КУН ИСТИҚБОЛИ УЧУН

Юртимизда ҳаётбахш ислохотлар амалга оширилган экан, бу жараёнда ҳар бир оила ва инсон тақдирини давлатимиз эътиборида ва айниқса, хотин-қизларга муносиб шароит яратиш устувор вазифалар сирасига киритилган. Зеро, аёл бахти — оила ва жамият бахти.

Президентимизнинг ўтган йил 21 декабрь куни қабул қилинган “Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ҳам бу борадаги ислохотлар самарадорлигини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Муносабат

Фармонда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, гендер тенглик, давлат ва жамият бошқарувида уларнинг нуфузини ошириш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бўйича бир қатор эзгу ташаббуслар илгари сурилган.

Хусусан, хотин-қизлар бандлигини таъминлашда қасаначилик ва хунармандчилик асосида янги иш бошлаётганларни ўқитиш мақсадида қисқа муддатли ўқитиш курсларини очиш режалаштирилмоқда. Оилавий ажримларнинг олдини олиш, низо ва келишмовчиликларни бартараф этиш бўйича эса “Оила судьялари” ташкил қилиниши тақлиф этилган.

Бу соҳа фаолиятини янада ривожлантиришга қаратилган эътибор ва рағбатдан руҳланган ҳолда туман микёсида чора-тадбирлар режасини тайёрлашмоқда. Унда таълим ва фан соҳасида ютуққа эришган илм-фан намоёндаларининг ҳаётий тажрибаларидан фойдаланиб, қизларимизнинг мукамал таълим олиши учун тарғибот ишларини қучайтириш кўзда тутилмоқда. Шу билан бирга, ажрим ёқасидаги ва профилактик ҳисобга олинган, таълиқ ва ўзравон-

ликка учраган хотин-қизлар билан яқка тартибда ишлашни йўлга қўямиз. Асосий мақсад эса қизларимиздан олималар, ихтирочилар, инженер-технологлар, етакчи тадбиркорлар, замонавий соҳа вакилларини етиштириш ҳамда зиёли оила бекаларини тарбиялашга қаратилган.

Айни пайтда туманда 120 мингдан зиёд хотин-қизлар бўлиб, уларнинг 321 нафари раҳбар, 425 нафари хунарманд ва тадбиркор, икки минг нафари ОТМДА ўқиётган талабалардир. Давлат бошқарувида хотин-қизлар иштирокини ошириш мақсадида туманда 150 нафар фаол хотин-қиз захираси яратилган.

2023 йил давомида ажрим ёқасига келиб қолган 165 та оила фаол-

Мухтасар айтганда, ўтган давр мобайнида хотин-қизлар фаоллари соҳада етарли тажрибага эга бўлди. Бу тажрибани энди касбий маҳорат даражасига кўтариб, маҳаллада хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, китобхонлик маданиятини ошириш, репродуктив саломатлик, касб-хунар ва таълимга йўналтириш билан оилавий ажримлар ва жиноятчиликнинг олдини олишга ҳаракат қилишимиз зарур.

Гулчехра ЖЎРАЕВА,
Учқўприк тумани ҳокими ўринбосари
— оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи.

РЕКЛАМА

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI HUZURIDAGI X. SULAYMONOVA NOMIDAGI RESPUBLIKA SUD EKSPERTIZA MARKAZI

2024-o‘quv yili uchun Nodavlat sud-ekspertiza tashkilotlari sud ekspertlarini qayta tayyorlash o‘quv kurslariga hujjatlarni qabul qilishni boshladi.

O‘quv kurslarida ishtirok etish istagini bildirgan talabgorlar quyidagi hujjatlarni topshiradi:

markaz direktori (komissiya raisi) nomiga ariza (arizada talabgorning qaysi tilda ta’lim olish istagi ko’rsatiladi);
pasport nusxasi;
ma’lumoti to’g’risidagi diplom nusxasi;
3,5x4,5 sm. hajmdagi ikki dona fotosurat;

nodavlat sud-ekspertiza tashkiloti nomidan tavsiyanoma (agar talabgor yuridik shaxs xodimi bo’lsa);

X. Sulaymonova nomidagi Respublika sud ekspertiza markaziga kelib yoki pochta yoxud info@sudex.uz elektron pochta orqali sifatli (ko’rinarli, yaxshi o’qiladigan) darajada taqdim qilishlari (suhbat jarayonida hujjatlarning asli ko’rsatiladi) lozim.
Qabul komissiyasi tomonidan

(o‘zbek yoki rus tilida) suhbat 2024-yil mart oyining ikkinchi o’n kunligida O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi huzuridagi X. Sulaymonova nomidagi Respublika sud ekspertiza markazi binosi (Toshkent shahri, Mirobod tumani, Farg’ona yo’li ko’chasi 46-uy)da o’tkaziladi.

O’qish muddati olti oydan (24 hafta) kam bo’lmagan muddatda tashkil etiladi.

O’qish uchun to’lov miqdori o’quv jarayoni an’anaviy ta’lim shaklida

tashkil etilganda, amaldagi bazaviy hisoblash miqdoring 45 (qirq besh) baravari, masofaviy ta’lim shaklida tashkil etilganda esa bazaviy hisoblash miqdoring 40 (qirq) baravari miqdorida amalga oshiriladi.

Hujjatlar 2024-yil 22-mart kuniga qadar qabul qilinadi.

Qo‘shimcha ma’lumotlar uchun telefonlar: 71-209-11-55, ichki (214, 201)
MARKAZ VEB-SAYTI: <https://sudex.uz/>
Elektron manzil: info@sudex.uz

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 142. 15 808 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоəsi келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қопилхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-55.

Газетани ҳақиқати маълумотларни юклаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



Тахриратта келган кўлаёмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзасиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаовбар.

Газета тахрират компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфия жиҳатидан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Б. Мадиев.

Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.55

Тошпирилди — 23.00

1 2 3 4 5 6